

Ўзбекистон ва Покистон етакчилари ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш масалаларини муҳокама қилдилар



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 25 ноябрь куни Покистон Ислон Республикаси Бош вазири Имрон Хон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари Бош вазир Имрон Хонни таваллуд куни билан чин дилдан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ, фаровонлик ва катта муваффақиятлар, дўст Покистон халқига эса тинчлик-осойишталик ва равақ тилади.

Сухбат чоғида олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш масалалари ҳамда мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш истиқболлари кўриб чиқилди.

Мулоқотлар фаоллашгани, икки томонлама товар айирбошлаш кўрсаткичлари сезиларли даражада ўсгани ва ишбилармонлар ўртасидаги кооперация кучайгани мамнуният билан қайд этилди. Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, фармацевтика ва кимё саноати, тўқимачилик ва қурилиш материаллари тармоқлари, бошқа соҳалардаги инвестиция лойиҳаларини илгари суришга алоҳида эътибор қаратилди.

Етакчилар минтақада йирик инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш масалаларини муҳокама қилдилар.

Бўлажак учрашувлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Манба